Qishloq hayoti
2012 йил Мустаҳкам оила йили
Қишлоқ ҳаёти
O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz
2012-YIL 1-MART, PAYSHANBA, 28 (7957) - SON
1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.







# СОҒИНИБ КУТДИК СЕНИ, БАҲОР!

*Кумуш қишнинг изғирини бурнимизни қизартириб, танамизни жунжиктирганию, яхмалак йўлларда сирпаниб кетмаслик учун эҳтиёткорлик билан "атак-чечак" қилиб юргизган дамлари ҳам ўтди. Энди эса ора-сира мўралаб боқаётган яшил кокилларингга маҳлиё бўлган ҳолда "тегирмон навбатини" сенга топшириб, ортга чекинишни афзал билди. Буёғига токчалару бўғчаларда ҳафсала билан тахланган ва маза қилиб "дамини олиб бўлган" баҳорий кийимларни интиқлик билан сийпалаб "хизматга шай" қилишга шошамиз. "Аёз бобо"нинг қаҳрли чимчилашидан вужудимизни асраган оғир-карвон кийим-бошдан халос бўлиб, эҳтиром билан улардан "сеп" ясаб, сандиққа жойлаймиз.*

*Бобо қуёш ҳам тўқсон кун бағрида авайлаб сақлаган илиқ тафтини сенинг пойингга дурдай соча бошлайди. Бу тафтни кутавериб, кўпчиб турган Она замин кўксида ичи потирлаётган гиёҳўтларнинг митти қулоқчаларидан меҳр ила тортқилашга тушади. Тиниқ кўк осмон аро сузаётган парқу булутлар гоҳида бирлашиб, оби раҳмати билан бутун борлиқни сийлайди. Соҳир саҳарларинг эса қушларнинг қалбни энтиктирувчи нағмаси, бузоқчаю қўзиларнинг эркаланиб маърashi билан мунаввар тонгингга жой бўшатиб беради. Саррин саболаринг елиб-югуриб муаттар ифорли гуллар шодасидан бўйнингга маржонлар тақишга интилади. Кўзларни чақнатиб, таналарни яйратиб, руҳларга ором бергувчи сулув Баҳор!.. Сени таърифлаб қанча битиклар битган билан адоғи кўринарми?.. Зумрад Баҳор, сени шунчалар соғингандикки...*

**Шафоат ЖЎРАҚУЛОВА**

# БУНЁДКОРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИ

**Мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Аҳоли фаровонлигининг ўсиши, ўз навбатида, унинг турмуш даражаси сифати яхшиланиши билан белгиланади. Маълумки, бундай жараён қурилиш ашёлари, техникаларига бўлган талабни оширади. Соҳага татбиқ этилаётган замонавий техника ва технологиялар, қурилиш ускуналари эса яратилажак иншоотнинг мустаҳкамлиги ҳамда бардавомлигини таъминлайди.**

Ана шундай омиллардан келиб чиққан ҳолда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўргазмалар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, айни кунларда пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да давом этаётган учта – «Қурилиш – UzBuild 2012», "Мебель, ишлаб чиқариш технологиялари – MebelExpo Uzbekistan 2012", "Иситиш, сув таъминоти, ҳаво алмаштириш тизимлари, сантехника ва сув ҳавзалари учун ускуналар Aqua-Therm Tashkent 2012" халқаро кўргазмаларидан ҳам ана шундай хайрли мақсад кўзланган.



«ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида ташкил этилган кўргазмада жаҳоннинг 21 давлатидан 150 дан ортиқ компания ва фирмалари ўз маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

"UzBuild 2012" халқаро кўргазмаси ташкилотчиларга тармоқнинг ҳозирги эҳтиёжларига жавоб берадиган лойиҳаларни яратиш учун янги ечимларни излаш ва топиш имконини бермоқда. Айни пайтда мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган қурилиш ишлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, замонавий технологияларни кенг жалб қилиш ва жорий этишни талаб этмоқда. Йилдан-йилга замонавий технологиялар ва инновацион ишланмалар намойиш этиладиган жойга айланиб бораётган "UzBuild" кўргазмаси мазкур вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Кўргазмада намойиш қилинаётган қурилиш материаллари орасида кейинги йилларда ишлаб чиқарилиши маҳаллийлаштирилганлари эътиборимизни тортади. Бежирим, замонавий, нархи ҳам арзон қурилиш ашёлари кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ жойларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг тажассуми кўргазмада ҳам ёрқин кўринаётир. Юртимизда уй-жой қурилиши жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги кўплаб бошқа тармоқлар, жумладан, мебель саноатини ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда. "MebelExpo Uzbekistan" кўргазмасида мебель саноати етакчилари ўз маҳсулотлари намуналарини "Мебель", "Мебель ишлаб чиқариш технологиялари" ҳамда "Интерьер ва дизайн" бўлимларида намойиш этмоқда.

"Aqua-Therm Tashkent 2012" стендларида нафақат бугунги кунда саноат томонидан таклиф этилаётган барча турдаги маҳсулотлар билан танишиш, балки ушбу соҳа профессионаллари билан мулоқот қилиш орқали фойдали тажриба ҳам олиш имконияти мавжуд. Бу ерда хориж компаниялари иситиш тизимлари учун арматуралар, сауна ва иссиқ поллар, насослар, иситиш мосламалари ва бошқа кўплаб маҳсулотларни намойиш этмоқда. Мазкур тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилиши ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга. Негаки, мамлакатимиз иқлим шароити иссиқлик таъминоти, ҳавони совитиш ва сув етказиб бериш бўйича амалий муҳандислик ечимлари жорий этишни талаб қилади.

Кўргазмаларда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган маҳсулотлар ва хизматлар билан танишмоқдалар. Янги ҳамкорлар орттиришиб, истиқболли битим ва келишувларга эришмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, ушбу кўргазмалар Ўзбекистоннинг қурилиш саноати соҳасига янги техника ва технологиялар, янги ишланмалар, инновацион ечимлар, амалий тажрибалар ҳамда хориж сармояларининг кириб келишига шароит яратади. Ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Давлат божхона қўмитаси томонидан "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб чиқилиши ва контрафакт маҳсулотларнинг олиб кирилишига қарши чора-тадбирлар" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.**

# ИМПОРТ ВА ЭКСПОРТ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Унда таъкидланганидек, Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатни модернизациялашнинг чуқур ўйланган ва мақсадли йўналтирилган дастурини амалга ошириш туфайли юртимизда иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги сақлаб қолинмоқда.

Заминимизда етиштирилаётган сархил мева-сабзавотлар нафақат ўзимизда, балки хорижда ҳам харидоргир. Тадбиркор, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулотларини экспорт қилиши учун қатор қулайликлар ва шарт-шароитлар яратилган.

Афсуски, шунга қарамай, халқимиз ризқига хиёнат қилаётган айрим "учар тадбиркор"лар юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четга ноқонуний олиб ўтиб, мўмай даромад орттиришга уринмоқдалар. Уларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларига республикамиз божхоначилари томонидан ўз вақтида чек қўйилмоқда. Жумладан, 2011 йилда республикамизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига доир жами 1959 та ҳолат аниқланган.

Таҳлилларга кўра, ўтган йилда ноқонуний олиб ўтишга урилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 50,4 фоизи мамлакатимиз ҳудудидан олиб чиқишда ва 49,6 фоизи олиб киришда, яъни транзит ва ички ҳудудда аниқланган. Демакки, юртимизга сифати ҳаминқадар, импортга тўла жавоб бермайдиган маҳсулотларнинг ноқонуний олиб кирилишига ҳам қарши курашиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз ҳудудига контрафакт товарлар олиб келиниши ва олиб чиқилиши ҳамда уни ноқонуний ички бозорлардаги муомаласининг олдини олиш ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги, "Фирма номлари тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа қатор қонун ости ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Контрафакт маҳсулотларни ноқонуний олиб кирилиши ва ички ҳудудларда тайёрланишига қарши курашиш йўналишида олиб борилаётган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, мамлакатимиз бозор ва савдо мажмуаларида сотилаётган асосий контрафакт товарлар туркумига парфюмерия маҳсулотлари, кийим-кечак, дори-дармон ва тиббиёт воситалари, болалар ўйинчоқлари, автоулов эҳтиёт қисмлари, канцелярия товарлари, CD ва DVD форматда ёзилган материаллар, уяли алоқа воситалари, маиший техника буюмлари ва бошқа маҳсулотлар киришини кузатиш мумкин.

Масалан, контрафакт маҳсулотларга яққол мисол бўла оладиган қўлбола тарзда кўпайтириб сотилаётган турли хилдаги лицензияланмаган компакт диск, фильм, мусиқа ёзилган дискларни мамлакатимиз чегаралари орқали олиб ўтилиши ва ички ҳудудлардаги ноқонуний муомаласига чек қўйиш мақсадида олиб борилган тадбирлар натижасида божхона органлари томонидан ўтган 2011 йил давомида 260 та ҳолат аниқланиб, 201,2 миллион сўм қийматдаги 217 минг донадан ортиқ шу турдаги маҳсулотлар ушлаб қолинган. 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида аниқланган 24 та қонунбузарлик ҳолатида қиймати салкам 9,4 миллион сўмлик 30 минг донага яқин турли хилдаги лицензияланмаган дискларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Тадбир давомида журналистлар нафақат мавзу юзасидан, балки божхона соҳасига доир бошқа масалалар бўйича ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ТЕМИР ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ – ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЖАЙКА) вице-президенти Киёши Кодеранинг мамлакатимизга ташрифи чоғида 2012 йил 27 февраль куни ЖАЙКА ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида Япония ҳукуматининг "Ривожланишга расмий ёрдам (ODA)" дастури доирасида "Қарши – Термиз темир йўл участкасини электрлаштириш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича 30 йил муддатга имтиёзли фоиз ставкаси билан 221 миллион АҚШ доллари қийматидаги заём ажратилишини кўзда тутувчи заём битими имзоланди.**

Мазкур лойиҳа доирасида 325 километрлик темир йўл участкасини электрлаштириш, телекоммуникация қурилмаларини модернизация қилиш, электровозлар таъмирида ишлатилаётган асбоб-ускуналарни янгилаш, машина ва механизмлар сотиб олиш кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси фойдаланилаётган мазкур темир йўл участкаси самарадорлигини, ушбу йўналиш бўйича ҳаракатланаётган поездларнинг юк ташиш қувватини ошириш, энергия ресурслари учун сарфланаётган харажатларни қисқартириш имконини беради.

Илгари хабар қилинганидек, 2012 йил 16 февраль куни ҳам Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида 140,8 километрлик "Мароқанд – Қарши" темир йўл участкасини электрлаштириш бўйича 100 миллион АҚШ доллари қийматидаги заём битими имзоланган эди.

Мазкур икки лойиҳанинг бир вақтда амалга оширилиши Тошкент – Термиз йўналиши бўйича тўлиқ электрлаштирилган 831,5 километрлик темир йўлни фойдаланишга топшириш имконини беради.

Бунинг натижасида темир йўлда, шу жумладан, локомотивлар сонини камайтириш ҳисобига тоғли участкаларда ҳам темир йўл ташувлари таннархи пасаяди. Ўз навбатида, поездлар ҳаракати тезлигини ошириш ҳисобига йўлнинг ўтказувчанлик имконияти ҳам ошади. Бундан ташқари, юқорида қайд этилган лойиҳалар доирасида энергияни тежовчи технологияларнинг жорий этилиши минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш имконини бериши муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги билан, жумладан, мамлакатимиз темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ҳамкорлиги йилдан-йилга фаоллашмоқда. Мисол учун, 2007 йилда ЖАЙКА билан ҳамкорликда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини боғловчи 223 километрлик "Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон" янги темир йўл линиясини қуриш бўйича лойиҳа муваффақиятли амалга оширилган эди.

Юртимизнинг марказий ва жанубий ҳудудларини боғловчи юқорида қайд этилган лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз темир йўл инфратузилмасини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давомидир. Мазкур лойиҳалар йўловчилар ва юклар ташиш ҳажмининг ошишига, мамлакатимиз иқтисодиёти янада изчил ва жадал ривожланишига хизмат қилади.

Ҳозирга қадар "Ривожланишга расмий ёрдам (ODA)" дастури йўналишида Ўзбекистонга берилган молиявий маблағларнинг умумий ҳажми 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу маблағнинг 180 миллион АҚШ доллари беғараз ёрдам сифатида тақдим этилган.

К.Кодеранинг мамлакатимизга ташрифи чоғида шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида, вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказилди. Ўзбекистоннинг юқори кредит рейтингини ҳамда илгари жалб этилган маблағлардан самарали фойдаланилганини инобатга олиб, молиявий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва жалб этиладиган молиявий маблағларни энергетика, транспорт ва қишлоқ хўжалиги каби устувор соҳаларга йўналтиришга келишиб олинди.

# БУ БОҒЛАР БИР БОҒЛАР БЎЛДИКИ...

*Бугун баҳорнинг илк куни. Хуш келибсан, баҳор! Бизни соғинтирган, ижодкор аҳлига майин шаббода эпкинларида илҳом бахш этувчи фасл. Ўзбек халқининг атоқли шоираси, муҳаббат ва садоқат куйчиси Зулфияхоним баҳорнинг илк кунида таваллуд топган эди. Ҳар доим баҳор келганида шоиранинг “Баҳор келди сени сўроқлаб” мисраси беихтиёр ёдимизга тушади.*





**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
*Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси.*

Аёл бетакрор фазилатлар билан сийланган зот. Унинг муштдек юрагида дунёларга татийдиган меҳру муҳаббат, гулдан нозик жуссасида ҳаётнинг залворли юкини кўтаргувчи куч бор. Зулфияхоним ана шундай аёллардан эди.

Шоиранинг элу юрти, фарзандлари, турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжоннинг ёрқин хотирасига бағишланган шеърлари адабиёт ихлосмандларининг кўнглидан жой олган. Адибанинг қалб туғёнларига лиммо-лим шеърий мисралари ўзбек адабиётида алоҳида бир мактаб бўлса, тақдирнинг аччиқ синовларига дош бериб, қаддини баланд тутиб оналик меҳрию чексиз садоқати билан ҳаётнинг пасту баландини енгиб ўтиши кўпчиликка ибрат бўлди.

***Мана бир умр яшадим сенсиз,***
***Қайтмас шодликларнинг***
***қайтишин кутиб.***
***Тобутинг бошида чўкканимда тиз,***
***Фарзандлар кўтарди***
***қўлимдан тутиб.***
***Шундан бери тикман ҳар***
***нега қалқон,***
***Бахтга, баҳорга ҳам қишда***
***қайғуга,***
***Биров азасида йиғлайман***
***қон-қон.***
***Тўйида яйрайман ўхшаб оҳуга!***

Шоира руҳиятидаги исён, севги, нафисликка ўралган жасоратни, ҳақиқатга тик боқиб, ҳаётни англашни ушбу мисралардан ўқиб, алалхусус, андиша пардасига ўралиб, юз-кўзида зоҳир тортган ёстиқдошига бўлган соғинчни уқиб олиш қийин эмас.

Зулфияхоним шеърларида инсон умрининг машаққати ва роҳати, меҳр-муҳаббат, қалбларни безовчи сабр-тоқат, чидам, ирода, одамийлик, ўзбек аёлларига хос самимийлик, соддадиллик, камтарлик билан куйланади.

***Мен қуёшли эл фарзандиман,***
***Бахтлиманки, бахтли нафас ёр.***
***Ишқ ва ҳижрон оловларидан,***
***Омон чиққан қайноқ дилим бор.***

Шоиранинг ушбу соф муҳаббат ва садоқат, бахтли инсон тақдири, яхши яшаш завқи ҳар сатр қатларига жо бўлиб кетган мисралари инсонни ҳаяжонга солади.

Зулфияхоним жаҳон минбарларидан ўзбек аёллари номидан муносиб сўз айта олди, баланд овозда баралла шеърлар ўқиди. Ибрат бўлгулик умрида ўзбек аёлининг бетакрор ва тенгсиз қиёфасини яратди. Унинг халқаро дўстлик ва ҳамжиҳатликка чорловчи "Мушоира" асари кенг жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди. Шеърият оламига "Мушоира этади давом" мисралари билан янгича руҳ олиб кирди.

***Салом, менинг азиз дугоналарим,***
***Азизим, лобарим,***
***чеварим қизлар.***
***Эй, тоза қалбимнинг***
***ошинолари,***
***Куйларим илҳоми***
***севарим қизлар.***
***Қаҳрамон йигитлар кечирсин***
***мени,***
***Бугун ҳам қўшиғим сизларга***
***доир.***
***Сизни ҳур ва озод сизни***
***куйламоқ,***
***Менга саодатдир,***
***мен бахтли шоир!***

Зулфияхонимнинг ушбу мисралари ҳали-ҳануз шоиранинг ўзбек қизларига, аёлларига эҳтироми ва ҳурмат изҳори бўлиб янграмоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида аёлларимизнинг жамиятдаги нуфузини ошириш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг истеъдод ва иқтидорини намоён этишга кенг имконият яратилди. Ўзининг вафо ва садоқати, оналик меҳри ва аёллик жасорати, кези келганда раҳбарлик салоҳияти билан ўзбек аёллари учун ибратга айланган шоира номи билан аталувчи Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Бугун ушбу мукофот ҳар бир ўзбек қизининг юрагига юксак орзулар тугиб, интилишга чорлайди. Ўзбекистон қизларининг бахту саодати учун қилинаётган эзгу ишлар, келажакда, албатта, ўз самарасини беради.

Зулфияхоним ёзганларидек:

***Мен кетсам йўқолмас***
***ўрним ҳеч қачон,***
***Бу боғлар бир боғлар***
***бўлгуси ҳали...***

Шоира “бу боғлар” деб ёзганида балки йилдан-йилга сафи кенгайиб, катта боғларга айланиб бораётган мукофот соҳибаларини назарда тутгандир. Балки юрагида она ватанга муҳаббати, озодликка ва халқига меҳри жўшиб турган шоира, олима қизларни орзу қилгандир. Бу йўлда мукофот уларга йўлчи юлдуз бўлсин!

**▼ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК**

Жиззах Вилояти

# СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

**Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2009 йил 1 июлдаги “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари туманимиз тиббиётчилари учун энг муҳим ва асосий дастуриламал вазифасини ўтамоқда.**



Шуни алоҳида эътироф этиш ўринлики, туманимиз шифокорлари аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини ошириш ва сифатини яхшилаш баробарида оналик ва болаликни муҳофаза этиш, оналар ва болалар ўлими ҳолатларининг олдини олиш, хасталиги аниқланган оналар ва болаларни малакали муолажа қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратаётирлар. Жумладан, ўтган йили туман марказий кўптармоқли поликлиникаси ва 7 та қишлоқ врачлик пунктида барча туғуруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг учун ҚВПлардаги врач ва тиббиёт ҳамшираларидан ташқари туман тиббиёт бирлашмаси томонидан малакали шифокорлар сафарбар этилди.

Тиббий кўрик натижасида 6017 нафар аёлда экстрагенитал касалликлар борлиги аниқланди. Жумладан, 3034 нафар аёл камқонлик, 269 нафар аёл юрак қон-томир, 394 нафар аёл нафас йўллари, 755 нафар аёл буйрак, 634 нафар аёл ошқозон-ичак ва 399 нафар аёл бошқа касалликлар билан оғригани аниқланиб, муолажаси ташкил этилди. Соғломлаштириш-даволаш ишлари асосан, стационар ва амбулатор шароитда олиб борилмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни ташкил этиш борасида туғилган чақалоқларни ирсий касалликларга нисбатан текширишнинг сўнгги усулларини жорий этилаётганлиги ҳам ижобий самара бераётир. Махсус фильтр қоғозларга намуналар олиш ёрдамида гўдакларнинг соғломлиги аниқланмоқда.

Оналар, болалар ва ўсмирлар қатори балоғат ёшига етган ёшлар саломатлигини муҳофаза этишга ҳам жиддий эътибор берилаётир. Ўтган йил давомида 587 нафар никоҳланувчи ёшлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар даволанди.

Бу йил туғуруқ ёшидаги аёллар, болалар, ўсмирлар ва балоғат ёшига етган йигит-қизлар учун алоҳида тиббий машғулотлар дарсхонаси, ҳар чоракда “Фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш" ҳафталиклари ташкил этиш режалаштирилган.

Аҳоли саломатлиги — жамият бойлиги. Она ва бола саломатлиги оила тинчлиги ва хотиржамлиги ҳамда мустаҳкамлигидир. Шу боис, бу тамойилларни бир-биридан ажратмаган ҳолда амалга ошириш билан жамият бойлигига ҳисса қўшиш ҳар бир саломатлик посбонининг эзгу мақсадидир.

**Элмира РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**Мирзачўл тумани Репродуктив саломатлик маркази раҳбари.**

# «Маърифат ёғдулари»




Шу кунларда Тошкент вилоятидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган ёшлар ўртасида бир китоб қўлдан-қўлга ўтиб, севиб мутолаа қилинмоқда. Рисоланинг ўқувчилар ўртасида катта қизиқишга сабаб бўлаётганлиги ундаги шеър ва ҳикоя муаллифлари ўзларига таълим бераётган устозлардан иборат эканлигидадир.

Қибрай молия-иқтисодиёт коллежининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, ёш ижодкор Шоира Исаковaнинг саъй-ҳаракати билан вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида меҳнат қилиш баробарида бадиий ижод билан ҳам шуғулланаётган қирқ нафар ўқитувчининг ижод намуналари алоҳида китоб ҳолида чоп этилди.

"Маърифат ёғдулари" номли рисолада ижодкор мураббийларнинг Ватанга, ота-она, фарзандга бўлган меҳр-муҳаббати шеър ва ҳикояларида ўз аксини топган. Китобдан ўрин олган янгийўллик Шодмоной Акбарова, оққўрғонлик Шаҳноза Шодиева, бўкалик Юлдуз Ғаппорова, қибрайлик Феруза Шарапова ҳамда бекободлик Мадамин Бойматов сингари ўқитувчиларнинг ижод намуналари кўпчиликка манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

**Иброҳим ТОШЕВ**

Самарқанд вилояти

▼ ТАЖРИБАДА ҲИКМАТ КЎП

# Сирлибой аканинг сири

*Тошкент давлат аграр университетининг мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси доценти Жамолиддин Файзиев билан узумчилик мавзусида суҳбатлашдик. Домла тармоқдаги янгиликлар, изланишларни, хўраки ҳамда саноатбоп узумнинг янги навларини яратиш борасида интилишларни гапириб берди. У кишининг самарқандлик фермер Сирлибой Очилов ҳақидаги ҳикояси бизда ушбу инсон ҳақида мақола ёзиш истагини уйғотди.*



Жамолиддин Файзиевдан фермер ҳақида маълумотлар олиб, у киши билан боғландик. Танишдик. Сирлибой Очилов Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги "Кўраган" фермер хўжалигининг раҳбари экан. Хўжаликнинг 676 гектар ери бор. Шундан 136 гектари ҳайдаладиган ер, 36 гектари лалми беда ҳамда 100 гектар майдонда лалми ғалла етиштирилади, 540 гектар майдон эса тоғли яйловни ташкил қилади. 400 бош қўй, 20 бош қорамол, 10 бош от, 0,7 гектар олмазор ва 0,3 гектар токзор, яъни боғ. Албатта, барча тармоқларда қўлга киритилаётган ютуқлар кўп. Аммо бизни қизиқтиргани ток парваришидаги "сир" эди.

— Томорқамизнинг 30 сотих майдонида узумнинг 26 хил нави бор. Уларни, асосан, қора кишмиш, сурхак китоби, қора жанжал навлари ташкил қилади, – дейди Сирлибой ака. – Уларни суғориш анчайин қийин иш эди. Шу боис, 3,5 километр наридаги булоқдан пластик трубада сув олиб келдик. Аслида узум лалми шароитда ҳам ўсаверади. Аммо сув берилса, ҳосил янада мўл бўлади. Қолаверса, навлар орасида кўп сув талаб этадиганлари ҳам бор.

Сирлибой ака қора кишмишнинг ҳар тупидан 25-30 килограммдан ҳосил олмоқда экан. Узум боши оғирлиги бир килограмм атрофида, бир донасининг оғирлиги 4 граммни ташкил этади. Ўзи етиштирган қора кишмиш ҳосилини сояки усулида қуритиб, 3 килограмм ҳосилдан 1 килограмм йирик, тим қора, эти гўштдор, таъми мазали майиз олади.

– Ток тупларини кузда кесиб, кўмамиз, – дейди Сирлибой ака. – Ана шу вақтда ҳар бир туп остига чириган қўй гўнги соламиз. Қиш чилласида икки марта яхоб суви берамиз. Наврўздан сўнг ток тупларини очиб, 15-20 сантиметрдаги шудринг шимувчи илдизларини кесамиз. Ток ораларини 30 сантиметр чуқурликда юмшатамиз. Вегетация даврида икки марта – гуллашдан олдин ва мева туккандан кейин суғорамиз. Икки марта хомток қиламиз. Ток новдалари 15-20 сантиметрга етганда шўра хомток қиламиз. Бунда ток тупларидаги ҳосилсиз ва ортиқча новдалар олиб ташланади. Ғўра хомтокда қўлтиқ новдалар ва бачки новдалар олиб ташланади. Шу орада кул касаллиги (оидиум)га қарши гуллашдан олдин ва мева туккандан кейин олтингугурт кукуни сепамиз. Бунда меъёр бўйича гектарига 25 килограмм тўғри келади. Бизнинг токзор 30 сотих, демак ўртача саккиз килограмм ишлатамиз.

– Мўл ҳосил етиштиришда қўй гўнгидан унумли фойдаланиш юқори самара беради, – дейди Сирлибой ака узум етиштиришда эришаётган ютуқларининг сири ҳақида сўраганимизда. – Асосий ишни тупроқ таркибини ўзгартиришдан бошлагандим. Бунинг учун тупроқнинг унумдор қатламига қўй гўнги қўшиб, аралаштирдим. Сўнгра ток қаламчаларини қададим. Ҳар йили кузда токзорлар орасини ковлайман. Ток тупидан 0,5 метр қочириб, 0,8-1 метр чуқур қазиб, қўй гўнги соламан. Умуман олганда бир туп узум бир қўйчалик даромад беради.

Фермернинг гапи бир ривоятни ёдга солади. Уни сиз ҳам эшитгансиз. Шундай бўлсада, яна бир бора эслайлик. Бир киши ўлими олдидан фарзандларини чақириб, шундай дебди. "Мен бор бойлигимни боғдаги токлар орасига кўмганман. Уни ковлаб олинглар. Буни фақат кузда амалга оширинглар". Ота вафот этибди. Баҳор, ёз ўтиб, куз келибди. Болалари ҳар бир токнинг тагини ковлаб кўришибди. Аммо бойликни топиша олмабди. Сўнг яна токлар остини ёпиб қўйишибди. Ёзда ҳосил шундай мўл бўлибди, яхшигина даромад қилишибди.

...Яна куз. Яна ўша машғулот. Хуллас, бу ҳол бир неча йил давом этибди. Аммо хазинадан дарак йўқ эмиш. Шунда бунинг тагига етиш учун фарзандлар бир донишманднинг олдига бориб, бу ҳолатнинг сирини сўрашибди. "Хўш, – дебди донишманд. – Неча йил бўлди ва ўтган йилларда олган даромадларинг қанча? Аввало, шуни ҳисоблаб беринглар". Ҳисоблаб айтишибди. "Олган даромадларинг оталаринг айтган хазинанинг ўзику!..", — дебди шунда донишманд.

– "Сиримиз" шундада, – дея Сирлибой ака кулади.

**Нилуфар САПАЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Навоий вилояти

## ИССИҚХОНА УЧУН КРЕДИТ

**"Агробанк" ОАТБнинг вилоят филиали томонидан Навоий шаҳридаги "Қурувчи Дас Плюс" хусусий корхонасига иссиқхона қурилиши учун 108 миллион сўмлик кредит маблағи ажратилди.**



Иссиқхонанинг ишга туширилиши билан бозорларда йил давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўкинлиги таъминланади, қўшимча иш ўринлари яратилади.

## БАЛИҚ ЕТИШТИРИШ КЎПАЯДИ

**Балиқ етиштириш лойиҳасини тақдим этган Хатирчи туманидаги "Kamolot-fish Tour" масъулияти чекланган жамиятига "Агробанк"нинг вилоят филиали томонидан 50 миллион сўм кредит ажратилди.**



Кредит эвазига жамият ўз олдига янги цех ташкил этиб, суперинтенсив усулда балиқ етиштиришни кўпайтириш ва аҳолининг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришни вазифа қилиб қўйган.

**Исроил ХОЛБОЕВ**

▼ АСАЛАРИЧИЛИК

Бухоро вилояти

# ТАРМОҚ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ

**Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори асаларичиликни ривожлантириш ҳам мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, юртимизнинг табиий шарт-шароитлари бу тармоқни ривожлантириш учун ниҳоятда қулай, имкониятлар ҳам етарли. Шу боис, мамлакатимизда асаларичиликка истиқболли тармоқ сифатида эътибор қаратилиб, уни ривожлантириш мақсадида кенг кўламли амалий ишлар олиб борилмоқда.**



Жумладан, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида асаларичиликни ташкил этиш ва унинг моддий-техник базасини шакллантириш борасида бошланган ишлар ҳам келгусида мўл-кўл асал етиштиришга хизмат қилиши турган гап.

Айни кунда Бухоро вилоятида 339 та субъект асаларичилик билан шуғулланаётган бўлиб, улар ихтиёрида 25 минг 565 та асалари оилалари мавжуд. Биргина ўтган 2011 йил давомида вилоятда асаларичилик билан шуғулланаётган субъектлар сони 19 тага, асалари оилалари 785 тага кўпайди. Олинган ҳосил салмоғи ҳам 55 тоннага ортиб, ҳар бир асалари оиласи ҳисобига ўртача 18,2 килограммга етказилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2009–2011 йилларда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури" муҳим аҳамият касб этди. Дастур ижросини таъминлаш мақсадида тармоқни ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини шакллантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ғиждувон туманида йилига 10 тоннагача асалари рамкаларига ўрнатиладиган сунъий уя (вашшина) ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Бу турдаги маҳсулотга қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар қабул қилинмоқда. Эндиликда бу цехда асалари уялари ва рамкалар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

— Вилоятимизда асаларичиликни ривожлантириш ва уни сердаромад тармоққа айлантириш учун етарли имкониятлар бор, — дейди "Бухорои Шариф асали" уюшмаси раиси Абдураззоқ Бобоқулов. — Ҳозирча вилоятимиздаги мавжуд фермер хўжаликларининг бор-йўғи 14 тасида асаларичилик тармоғи йўлга қўйилган. Қишлоқ хўжалигига алоқадор бир қатор корхона ва ишлаб чиқариш ташкилотлари, айниқса, мева-сабзавотчилик йўналишидаги фермер хўжаликларида ҳам асаларичиликни ташкил этиш имкониятлари бор. Ана шу имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш мақсадида жорий йилда асаларичиликни ривожлантириш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар режаси белгилаб олинган.

Дарҳақиқат, уюшма раиси таъкидлаганидек, вилоятнинг Қоровулбозор, Олот, Қоракўл, Ғиждувон, Когон, Шофиркон, Жондор каби туманларининг чўл ҳудудларига туташ ерларида асалари оилаларининг озиқланиши учун қулай табиий шароит мавжуд. Бу ҳудудларда ўз шахсий хўжаликларида асалари парваришлаб, тузуккина даромад кўраётган оилалар талайгина. Келгусида уларга ёрдам кўрсатилиб, етарли шарт-шароитлар яратиб бериш орқали шахсий хўжаликлар ихтиёридаги асалари оилаларини кўпайтириш ҳам кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, вилоятда асаларичиликни қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғига айлантириш мақсадида амалий ишлар бошланган. Белгиланган режаларни рўёбга чиқариш учун эса имкониятлар етарли.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар ҳокимининг 2011 йил 22 сентябрдаги 1054-сонли ва 2011 йил 28 сентябрдаги 1068-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга такроран қўйилмоқда:**

**1.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Термиз шаҳри, 5-кичик даҳаси ҳудудидан ўтувчи, А.Навоий кўчаси ёқасида жойлашган, 1 дона, 56 кв.м. ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 26 712 сўм.

**2.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси биноси қуриш учун, Термиз шаҳри, Шодлик маҳалласи, Ф.Хўжаев, А.Темур ва С.Соҳибов кўчалари ёқаси кесишуви ҳудудида жойлашган 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 ва 9-сонли, 8 дона, ҳар бири 24 кв.м.дан бўлган ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 11 448 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Термиз шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 31 декабргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 4 апрель куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Термиз шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 5 апрель куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 5 апрель куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 5 апрелдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 20 ва 30 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 19 ва 27 апрель кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Термиз шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 20 ва 30 апрель кунлари соат 11.00 да очилади, 2012 йил 20 ва 30 апрель кунлари соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани ҳокимининг 2011 йил 21 сентябрдаги 441-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга такроран қўйилмоқда:**

**1.** Офис ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун, Шеробод тумани, Охунбобоев маҳалласи, А.Навоий кўчаси ҳудудида жойлашган 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 ва 10-сонли, 10 дона, ҳар бири 72 кв.м.дан бўлган ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 35 856 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Шеробод тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 31 декабргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 5 апрель куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Шеробод тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 6 апрель куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 6 апрель куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 6 апрелдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 20 ва 30 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаманомаларни қабул қилиш 2012 йил 19 ва 27 апрель кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Шеробод тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 20 ва 30 апрель кунлари соат 11.00 да очилади, 2012 йил 20 ва 30 апрель кунлари соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биноси. Телефон/факс: (8-376) 227-57-94, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Расмий вебсайтимиз: 1kms.uz. **Лицензия** № RR 0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТБ "Савдогарбанк" Музработ филиалининг Термиз шаҳар минибанки, ҳ/р: 20208000204920609017, МФО 00336, СТИР 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биноси.

**Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз:**
**(+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**
**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади.**
**Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.**

# Ой тўлишган кеча

Қош қорайганди. Кенг сайхонликдан машинада юқорилаб боряпмиз. Бирдан олдимиздан сакраб қуён чиқиб қолди. Чироқ нурида кўзи қамашди шекилли, бир лаҳза тўхтади. Аммо тезда йўл ёқасидаги буталар орасига кириб ғойиб бўлди. Машина чироғида аниқ кўрдик, у кулранг эди. Қизиқиб машинадан тушдик. Фонарь олиб унинг ортидан эргашдик. Аммо изини йўқотиб қўйдик.

Изғирин шамол қулоқ-бурунни чимчиларди. Пойлашга тушдик. Ҳамроҳимиз Фарҳод амаки "қуёнлар атрофдагиларни чалғитиш мақсадида тўрт-беш қадам ён томонига сакраб изини йўқотади, аммо яна юриб ўтган йўлидан қайтади", деди.

Бирдан "тирс" этган товуш эшитилди. Ҳамма ўша томонга қаради. Фонарь нурларида кўринди: қуён жуфтакни ростлаб, қочиб борарди.

Яна унинг изидан кетдик. Аммо қанчалик яқинлашмайлик, у таслим бўлмас, ҳамон илгарилаб борар, дам-бадам тўхтаб, атрофга олазарак боқарди.



Ўша ойдин тунда қуён ортидан изма-из юриб тонг ёришганини ҳам сезмай қолибмиз. Ниҳоят, у қўйлар подаси юриб ўтган изга тушиб бизни чалғитмоқчи бўлди ва пода изи билан ўнг ён томон қолиб, сўлга — чамаси беш қадам наридаги йўйиқ тош устига чиқиб олди. Энди жонивор тамоман ҳолдан тойган, қулоқларини қапиштириб олганича қалтирарди. Таслим бўлишдан бошқа иложи қолмади.

**Абдулла САИДОВ**

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

томонидан 2012 йил 16,18 ва 23 февраль кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра Дўмбиробод маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи балансидаги д/р 10 AZ 039 бўлган «ВАЗ-2106» 3 700 000 сўмга; «Ташгипрогор» ОАЖ балансидаги д/р 01/645 DAA бўлган «Дамас» 5 800 000 сўмга, д/р 01/647 DAA бўлган «Дамас» 6 800 000 сўмга; Бўка тумани Бўстон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи балансидаги д/р 11 AS 811 бўлган «ИЖ-2715» 430 000 сўмга; «TEMIRYO'L – SUG'URTA» ҚК МЧЖ балансидаги д/р 10 AE 741 бўлган «Дамас» 9 600 000 сўмга; «AMMOFOS MAXAM» ОАЖ балансидаги д/р 10/282 ВАА бўлган «Матиз DLX» 10 800 000 сўмга, д/р 10/107 САА бўлган «ГБА СНГ Нексия» 13 600 000 сўмга, д/р 10/286 ВАА бўлган «ГБАСНГ Дамас DLX» 15 100 000 сўмга сотилганлиги ҳамда шу ташкилотнинг д/р 10/141 САА бўлган «Матиз DLX» русумли; Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти тасарруфидаги д/р 01-94 ЕК бўлган «Т28Х4-МС-01» русумли трактор, д/р 00-05 ЕК бўлган «2-ПТС-4-793А» русумли тиркама, д/р 10 AW 290 бўлган «РАФ-2203» русумли, д/р 10 AY 411 бўлган «ЗИЛ-13043410» русумли автотранспорт воситалари савдодан олинганлиги маълум қилинади.



# ОЛМА ХОЛЕСТЕРИНДАН САҚЛАЙДИ

**Инглизларнинг шундай мақоли бор: "Ҳар куни олма есанг, дўхтирга ҳожат йўқ". Бу мақол илмий тадқиқот натижасида яна бир марта ўз исботини топди.**

Олимлар олмани ғаройиб мевалиги, у кўп дардларга шифо эканлигини исботладилар. Ҳайвонларда ўтказилган тажриба шуни кўрсатдики, олма таркибидаги пектин ва полифеноллар қондаги метаболизмни яхшилаб, шамоллаш даражасини камайтирар экан. Олманинг юрак қон-томирига таъсири кучли, айниқса, ёши ўтган аёллар учун ниҳоятда фойдали эканлиги аён бўлди.

Тадқиқот ишларига 45-65 ёшда бўлган 160 нафар аёл танлаб олинди. Уларнинг тенг ярми ўз рационига қуритилган олма қўшиши, уни бир йил давомида ҳар куни 75 граммдан тановул қилиб бориши керак эди. Бошқа гуруҳдагилар эса ҳар куни шунча миқдорда бошқа мева ейишлари талаб қилинди. Натижа эса кутилганидан ҳам зиёд бўлди: ҳар куни маълум миқдорда олма тановул қилиб турган беморлардаги холестерин миқдори 23 фоизга камайиб кетди.

# КОФЕНИ КИМЛАР ИЧИШИ КЕРАК?

**Кофе тери ёшлигини сақлаш хусусиятига эга. Буни Скрэнтон университети (АҚШ) профессори Жо Винсон исботлади.**



У ўз тадқиқотида натурал кофедаги антиоксидлар таркиби билан қизиқиб кўрди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, антиоксидлар организмга хавф туғдирадиган кислородларга зарар етказар экан. Эркин кислородлар эса теридаги айрим катакчаларга ўз кучини кўрсатолмай қоларкан. Бу эса тери қаришининг олдини олади.

Жо Винсон ҳар бир инсонга кунига 1-2 стакан кофе ичишни маслаҳат беради. У яхши ичимлик, шу билан бирга, тери қаришини секинлаштиради. Унинг айтишига қараганда, кофе хотирани тиклайди, диққатни кучайтиради, қанд касаллиги ва жигар хасталикларига ижобий таъсир кўрсатади.

Қолаверса, кофенинг ҳиди организмдаги антиоксидларни ҳайдашга хизмат қилади. Бу эса дадилликни оширади ва стрессдан чиқиш муддатини камайтиради.




(5 март — 11 март)

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04)**



Оилангиздагиларга уй юмушларида ёрдам беришга ва бундан завқ олишга уриниб кўринг. Чунки сиз одатдаги майда-чуйдалар, деб ўйлаган юмушлар аслида қизиқарли машғулотдек таассурот уйғотади.

**БУЗОҚ (21.04 — 20.05)**



Фарзандларингиз ўзларининг хулқи ва муваффақиятлари билан сизни хушнуд этадилар. Парҳезбоп таомлар тановул қилиш соғлиқ учун фойдали эканлигини бир дам бўлса-да унутманг. Ҳар хил нохуш ҳолатлардан узоқроқ юриш тавсия этилади.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)**



Соғлиғингизни мустаҳкамлаш учун кўпроқ спорт билан шуғулланинг. Дам олиш кунлари яқинларингиз билан театр ёки кинога тушинг ва мазмунли ҳордиқ чиқаринг. Чигал вазиятга тушиб қолмаслик ҳаракатида бўлинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)**



Керагидан ортиқ фаол бўлиш ҳам иш унумига салбий таъсир қилиши мумкин. Дўстларингиз, ҳамкасбларингиз билан ҳазиллашаётганда меъёрдан ошмасликка ҳаракат қилинг. Сафарга чиқаётганлар учун ҳафта омадли келади.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08)**



Шахсий ҳаётингиздаги муаммоларни бартараф этиш учун бир мунча сабот талаб этилади. Бунда ютуқ билан бирга омадсизликларга ҳам дуч келишингиз эҳтимолдан холи эмас. Аммо тушкун кайфиятга тушмасдан, дадил ҳаракат қилаверинг.

**ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)**



Яқинларингиз ёрдамингизга, маслаҳатингизга муҳтож бўлиб турган бир вақтда улардан бекорга ранжиманг. Ахир, сиз ҳам қачондир кимларнингдир кўмагига таянгансиз. Бундан ташқари, улар олдидаги масъулиятингизни ҳам унутманг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)**



Ҳал бўлиши лозим бўлган муҳим ишларни бекорга ортга сураверманг. Керак вақтда кескин қарорлар қабул қилиш ҳам муҳим. Аксарият кишилар мана шу омил туфайли мулзам бўлиб қоладилар.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11)**



Ҳафта давомида жуда фаол бўласиз. Айрим кимсалар сизнинг соддалигингиздан фойдаланиб қолмоқчи бўладилар. Ҳушёр бўлмасангиз, чув тушиб қолишингиз мумкин. Ишончли одамлар кўмагига таянинг.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)**



Ташкилотчилик қобилиятингиз кўп жиҳатдан сизга асқотади. Керагидан ортиқча қайғуриш соғлиғингизга салбий таъсир қилиши мумкин. Бўлар-бўлмас ҳолатларга асабийлашавермасдан, бир оз дам олишга ҳам вақт топинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)**



Ҳамкасбларингиз томонидан билдирилган ишонч сизни жуда руҳлантириб юборади ва бу келгусидаги фаолиятингизга таъсир этмасдан қолмайди. Кўтаринки кайфиятда ҳаракат қилсангиз, омад калити қўлингизда бўлади.

**ҚОВҒА (21.01 — 20.02)**



Яқинларингиздан меҳрингизни дариғ тутманг. Эътиборга яраша, эътибор қозонасиз. Тушкун кайфиятга тушиб қолмасликка ҳаракат қилинг. Соғлиғингизга жиддий эътибор қаратганингиз маъқул.

**БАЛИҚ (21.02 — 20.03)**



Яқин танишлар орттиришингиз кутилмоқда. Севги бобида омадингиз келади. Бу эса фаолиятингизда ижобий акс этади. Ўзингизга бўлган ишонч янада ортади ва кўплаб ютуқларга эришасиз.



# НИКОТИН ҚОНДАГИ ҚАНД МИҚДОРИНИ ОШИРАДИ

**Соғлиқни сақлаш муассасаларининг "Чекиш инфаркт ва инсультни чақиради" деган машҳур огоҳлантирувчи шиорига қўшимча равишда чекиш — аста-секинлик билан ҳаётдан кўз юмишга сабаб бўлади, шунингдек, чекиш қондаги қанд миқдорини оширади, деб қўшиб қўйиш зарур.**

Калифорниялик олимлар бу ҳақиқат эканлигини исботладилар. Улар келтирган маълумотларга кўра, чекиш диабет учун асосий манба ҳисобланади. Гап одатда чекиладиган сигареталар ҳақидагина эмас, таркибида оз бўлса-да, никотини бор пластир, сақич ҳамда электрон сигареталар ҳақида ҳам кетмоқда.

# УЗУМ ҚУЁШ ХАВФИНИ КАМАЙТИРАДИ

**Узум таркибидаги моддалар инсон терисини қуёш нурларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш хусусиятига эга экан.**



Маълумки, қуёшнинг УФ нурлари терини куйдириш, уни муддатидан илгари қаритиш, тери ракининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Олимлар узумдан ажралиб чиқадиган полифеноллар тери тўқималарида пайдо бўладиган негатив реакцияларни камайтиришини аниқладилар.

Энди мутахассислар терини қуёш нурларидан тўла ҳимоялай оладиган, шу билан бирга, узумнинг полифеноль хусусиятларидан фойдаланиб, фармакологияда ҳам янгилик яратишни олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

# ОЛТИ ЁШДА ҲАМ...

**Жанубий Йоркширда истиқомат қилувчи Аманда Херст болани кўкрак сути билан боқишда рекорд ўрнатди, десак янглишмаган бўламиз. Аёл бир вақтнинг ўзида икки ўғли — беш ойлик Вильям ва олти ёшдаги Джонатанга кўкрак тутади.**



Джонатан яқинда етти ёшга тўлади. Ҳозир у мактабнинг тайёрлов синфига қатнамоқда. Аммо ҳар куни эрталаб онасини эммасдан мактабга бормайди.

— Ўғлимни уч ёшдалигида кўкрак сутидан ажратдим. Аммо у эммаган куни стрессга тушадиган бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам уни севимли овқатидан маҳрум қилишга журъат эта олмадим, — дейди Аманда. — Энди унинг укаси бор. Айримлар учун бу ғайритабиий туюлиши мумкин. Аммо мен бундай деб ўйламайман. Ҳозир мен Джонатанни кунда бир марта, эрталаб эмизаман. Куннинг қолган вақтлари у бошқалардек овқатланади.

Психологлар кўкрак сутини катта ёшдаги болалар истеъмол қилсалар улар қатор жиддий муаммоларга дуч келишлари мумкин, демоқдалар. Бу она учун ҳам хавфли эканлигини таъкидламоқдалар.

**Интернет материаллари асосида Ортиқ СУЛТОНОВ тайёрлади.**

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Ҳамробой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 100-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар:
236-58-83,
233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: С. ҚОДИРОВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-314, ҳажми 4 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз:
100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz
qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.15
25338 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 345